Жадвалдан кўриниб турибдики, пастки жағ **ФТЗЖ** мавжуд бўлган болаларда пастки лаб ва тилнинг узангиси аномалиялари кўпроқ учрайди.

ФТЗЖ мавжуд болаларининг 5,86 фоизда оғиз бўшлиғи даҳлиз соҳасининг кичиклиги аниқланди. ФТЗЖ бўлмаган болаларнинг фақатгина 1,61%да ($P < 0,01$) да бу аномалия ташҳиси қўйилган.

ФТЗЖ соҳасида Шиллер-Писарев тести болаларнинг 26,06 фоизда ва ФТЗЖ билан касалланмаган болаларнинг эса фақатгина 0,80% ҳолларда ижобий бўлган. I даражали ФТЗЖда гингивит $31,33 \pm 5,09\%$ болаларда, II даражалида $28,92 \pm 4,98\%$, III даражалида - $24,1 \pm 4,69\%$ ва IV даражалида $12,05 \pm 3,57\%$ да аниқланган. Биз текширган аралаш окклюзиялари мавжуд бўлган болаларда гингивитнинг баъзилари тишларнинг ёриб чиқиши туфайли юзага келган, адабиётларда уни “тиш ёриб чиқиш давридаги гингивит” деб ҳам аташади. Шунини таъкидлаш керакки, ФТЗЖнинг I оғирлик даражаси бўлган болаларда “тиш ёриб чиқиш давридаги гингивит” кўпинча оғиз бўшлиғининг ёмон гигиенаси билан бирга кузатилади, III ва IV оғирлик даражасидаги ФТЗЖ бўлган болаларда пародонтдаги ўзгаришлар милк чеккаларининг пасайиши кўринишидаги пародонтит шаклида, чайнов юкининг нотекис тақсимланиши, апикал асос узунлигининг етарли эмаслиги, ҳамда альвеолалараро тўсиқ тузилишининг ўзгариши билан намоён бўлади.

1-бобда таъкидланганидек, ФТЗЖда оғиз бўшлиғини парвариш қилишни қийинлаштиради, бу кариес ривожланишига сабаб бўлади (Мирчук Л.Н., 1980). Бироқ, 6-9 ёшли болаларда ўтказилган тадқиқотларимиз натижалари ушбу маълумотлардан фарқ қилади. Бизнинг фикримизча, олдинги тишларнинг ёриб чиқишидан кейинги ўтган давр сиқилиб қолган тишларда кариеснинг клиник кўриниши намоён бўлиши учун етарли эмас.

Болаларни клиник кўрикдан ўтказишда нафас олиш, ютиш, лабларни ёпилиши, тил артикуляцияси ва нутқининг бузилишига алоҳида эътибор қаратдик, зарарли одатларни аниқладик. Нафас олиш функциясининг бузилиши клиник жиҳатдан лабларнинг ёпилмаслиги, уларнинг шиллик қаватининг қуруқлиги ва кепакланиши, бурун йўллари конфигурациясининг ўзгариши ($4,56 \pm 1,19\%$) билан намоён бўлади. Шу билан бирга, ФТЗЖ даражасининг ортиши билан бурун орқали нафас олиши бузилган болалар сони сезиларли даражада ошди. Уларга оториноларинголог шифокор маслаҳати берилди ва уларнинг 20,85% дан ортиғида аденоидлар олиб ташланди.

I даражали ФТЗЖ мавжуд болаларнинг 90,07 фоизда ютиш функциясининг бузилиши аниқланган, III-IV даражали ФТЗЖ билан касалланганларда эса бу функция 86,9-93,9 фоиздан ортиқ ҳолларда бузилган.

ФТЗЖ билан текширилган болаларнинг 41,69 фоизда суҳбат давомида тилнинг артикуляцияси бузилганлиги ва товушларнинг ноаниқ талаффузи кузатилган.

Шундай қилиб, ФТЗЖ билан касалланган болаларни клиник текшириш натижасида пастки лаб, тил, оғиз бўшлиғи даҳлиз қисмининг кичиклиги аномалиялари, нафас олиш, ютиш ва лаблар ёпилишининг бузилиши билан бирга кечиши аниқланди ва уларни частотаси ФТЗЖ даражасига мутаносиб равишда ортди. Тишларнинг сиқилиши ортиши билан гингивит билан касалланишнинг кўпайиш тенденцияси мавжуд бўлиб, бу доимий тишларнинг ёриб чиқишида аномалияларни эрта даволаш учун асосдир. Бундан ташқари, аномалиянинг оғирлик даражаси қанча юқори бўлса, тиш тизимидаги морфологик ва функционал ўзгаришлар шунчалик чуқурроқ бўлади, бу патологияни даволаш ва чайнаш аппарати фаолиятини нормаллаштириш учун харажатларнинг ошишига олиб келади.

2.3. Диагностик моделлари биометрик ўрганиш натижалари

I ва II даражали ФТЗЖ патологияси мавжуд бўлган болаларда биометрик кўрсаткичларнинг ўхшашлиги, бизни уларнинг жағлари моделларини бир қилиб, биринчи гуруҳга, III даражали болалар жағларининг моделларини иккинчи гуруҳга ва ФТЗЖнинг тўртинчи оғирлик даражасидаги болалар жағлари моделларини учинчи гуруҳга бирлаштиришга ундади.

Биометрик кўрсаткичларни таҳлил қилишда биз миллиметрда ифодаланган мутлақ қийматларни индивидуал меъёр кўрсаткичлари билан солиштирдик ва бўшлиқнинг етишмаслиги тиш ва апикал асоснинг прогноз қилинган катталигига нисбатан тўртта доимий курак тиш ёки 12 доимий тиш тожларининг кенглигига боғлиқ равишда фоиз сифатида ифодаладик. Бунинг асоси тиш равоғининг миллиметрдаги ўхшаш етишмовчилиги, аммо тиш тожларининг ҳар хил ўлчамлари бўлган болалардаги аномалияларнинг турлича намоён бўлиши эди.

Шундай қилиб, биринчи гуруҳ болаларида пастки жағ тиш равоғининг фронтал етишмовчилиги ўртача $2,34 \pm 0,20$ мм, иккинчиси - $3,91 \pm 0,08$ мм, учинчиси - $6,65 \pm 0,17$ мм (2.3-жадвал) ва фоиз сифатида 12 та доимий тишнинг прогноз қилинган мезиодистал диаметрлари йиғиндисидан (пастки жағ бутун тиш ёйининг тахминий узунлиги) бу кўрсаткичлар мос равишда $2,62 \pm 0,22\%$, $4,32 \pm 0,08\%$ ва $7,22 \pm 0,19\%$ га ($P < 0,01$) тенг эди. (3.4, 3.5-жадвал).

17 нафар боладан 2 тасида (11,76%) тиш ёйи узунлигининг фронтал ва умумий етишмовчилигини солиштирганда, умумий етишмовчиликнинг йўқлиги аниқланди, бунинг сабаби улардаги фронтал етишмовчик ён томондаги сут тишлари ва доимий тишлар ва улар ўлчамдаги фарқ билан компенсацияланиб кетди. Биринчи гуруҳдаги беморларда тиш равоғининг умумий етишмовчилиги ўртача $1,79 \pm 0,5$ мм ни ташкил этди, бу тиш равоғининг тахмин қилинган узунлигининг $1,95 \pm 0,64\%$ га тўғри келади; иккинчи гуруҳдаги болаларда $1,91 \pm 0,24\%$ ни ташкил этди. Учинчи гуруҳда умумий танқислик ҳар доим фронтал етишмовчиликдан юқори бўлиб, ўртача 0,85 дан - 6,75 ммни ташкил этди.

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, ФТЗЖнинг IV даражаси бўлган учинчи гуруҳ болаларида тиш қаторининг ён томонларида келажакда премоляр ва қозик тишларни ёриб чиқиши учун доимо бўш жой етишмаслик муаммоси мавжуд (олдинги тишларни тўғри жойлашувини инобатга олган ҳолда).

Шуни таъкидлаш керакки, биринчи гуруҳдаги 17 нафар боланинг 15 тасида (88,24%) пастки жағ тиш ёйининг умумий етишмовчилиги, юқори жағ тиш ёйининг тахминий узунлигининг умумий етишмовчилиги билан бирга ҳисобланганда, ўртача $2,10 \pm 0,28\%$ га тенг бўлди. Иккинчи гуруҳдаги 45 нафар боланинг 41 тасида (91,11%) пастки ва юқори жағларда тиш ёйи етишмовчилиги мавжуд бўлиб, юқори жағда $3,15 \pm 0,38\%$ ни ташкил этди.

2.3 жадвал. ФТЗЖ мавжуд беморларнинг биометрик кўрсаткичлари(мм)ларда

Пастки жағ

Кўрсаткич	Гуруҳлар		
	1	2	3
Тиш равоғи узунлигининг фронтал етишмовчилиги	$2,34 \pm 0,20$	$3,91 \pm 0,08$	$6,65 \pm 0,17$
Тиш равоғи узунлигининг умумий етишмовчилиги	$1,79 \pm 0,5$	$1,91 \pm 0,24$	$3,34 \pm 0,28$
4 курак тишлари коронкасининг умумий йиғиндиси	$23,31 \pm 0,48$	$24,39 \pm 0,22$	$25,15 \pm 0,23$

Тиш равоғи олдинги қисми узунлигининг етишмовчилиги	1,56 ± 0,30	2,75 ± 0,28	3,75 ± 0,38
IV IV соҳасидаги торайиш	2,50 ± 0,56	4,40 ± 0,36	6,25 ± 0,40
6 6 соҳасидаги торайиш	1,55 ± 0,65	2,19 ± 0,60	3,92 ± 0,52
Апикал асос кенглигининг етишмовчилиги	2,60 ± 0,63	3,85 ± 0,69	5,03 ± 0,58
Апикал асос узунлигининг етишмовчилиги	+0,05 ± 0,34	1,09 ± 0,13	2,80 ± 0,43

Юқори жағ

Кўрсаткич	Гуруҳлар		
	1	2	3
Тиш равоғи узунлигининг умумий етишмовчилиги	1,90 ± 0,27	3,01 ± 0,37	6,67 ± 0,49
4 курак тишлари коронкасининг умумий йиғиндиси	28,79 ± 0,55	30,77 ± 0,52	29,87 ± 0,64
Тиш равоғи олдинги қисми узунлигининг етишмовчилиги	+0,36 ± 0,18	0,43 ± 0,23	1,07 ± 0,19
IV IV соҳасидаги торайиш	+2,04 ± 0,34	3,55 ± 0,42	5,07 ± 0,54
6 6 соҳасидаги торайиш	+2,66 ± 0,54	3,23 ± 0,60	5,43 ± 0,70
Апикал асос кенглигининг етишмовчилиги	1,91 ± 0,65	2,16 ± 1,09	3,83 ± 1,15
Апикал асос узунлигининг етишмовчилиги	0,81 ± 0,35	0,71 ± 0,55	1,19 ± 0,39

Кўрсаткич	Гуруҳ		
	1 M ± m	2 M ± m	3 M ± m
$\frac{\text{Тиш равоғи узунлигининг фронтал етишмаслиги} * 100}{12\text{та доимий тишлар коронкаси кенглиги йиғиндиси}}$	2,62 ± 0,22	4,32 ± 0,08	7,22 ± 0,19
$\frac{\text{Тиш равоғи умумий узунлигининг етишмаслиги} * 100}{12\text{та доимий тишлар коронкаси кенглиги йиғиндиси}}$	1,95 ± 0,64	2,10 ± 0,27	3,64 ± 0,31
$\frac{\text{Тиш равоғи олдинги қисми узунлигининг етишмаслиги} * 100}{\text{Индивидуал меъёр}}$	12,37 ± 2,4	18,15 ± 1,83	21,76 ± 1,97
$\frac{\text{IV IV соҳадаги торайиш} * 100}{\text{Индивидуал меъёр}}$	7,52 ± 1,7	12,02 ± 0,99	16,30 ± 1,00
$\frac{6 6 \text{ соҳадаги торайиш} * 100}{\text{Индивидуал меъёр}}$	3,51 ± 1,56	4,59 ± 1,36	8,07 ± 1,08
$\frac{\text{Апикал асос кенглигининг етишмаслиги} * 100}{\text{Индивидуал меъёр}}$	7,14 ± 1,74	10,16 ± 1,86	13,76 ± 1,62
$\frac{\text{Апикал асос узунлигининг етишмаслиги} * 100}{\text{Индивидуал меъёр}}$	+0,27 ± 0,90	2,97 ± 0,36	7,07 ± 1,08

2.4 – жадвал. Пастки жағ ФТЗЖ мавжуд беморларнинг биометрик кўрсаткичлари (%)

Кўрсаткич	Гуруҳ		
	1 M± m	2 M± m	3 M± m
Тиш равоғи узунлигининг умумий етишмаслиги *100 12та доимий тишлар коронкаси кенглиги йиғиндиси	2,10 ± 0,28	3,15 ± 0,38	6,69 ± 0,45
Тиш равоғи олдинги қисми узунлигининг етишмаслиги * 100 Индивидуал меъёр	+2,27 ± 1,06	2,42 ± 1,26	5,78 ± 1,08
IV IV соҳада торайиш *100 Индивидуал меъёр	+6,32 ± 1,09	9,11 ± 1,09	12,97 ± 1,37
6 6 соҳада торайиш *100 Индивидуал меъёр	+6,27 ± 1,26	6,47 ± 1,21	10,82 ± 1,43
Апикал асос кенглигининг етишмаслиги * 100 Индивидуал меъёр	4,34 ± 1,61	4,46 ± 2,54	8,12 ± 2,55
Апикал асос узунлигининг етишмаслиги * 100 Индивидуал меъёр	2,01 ± 0,92	1,50 ± 1,32	2,88 ± 0,99

3.5-жадвал. Юқори жағ ФТЗЖ мавжуд беморларнинг биометрик кўрсаткичлари (%)

Учинчи гуруҳдаги 42 нафар боланинг 38 тасида (90,48%) 12 та доимий тишларнинг тахмин қилинган ўлчамлари ва бир вақтнинг ўзида иккала жағнинг тишлари ўртасида тафовут бор эди. Ушбу гуруҳдаги болаларда юқори жағ тиш қаторининг умумий етишмовчилиги $6,69 \pm 0,45\%$ ни ташкил этди.

Шундай қилиб, агар биринчи гуруҳдаги болаларнинг ярми иккала жағда бир вақтнинг ўзида ФТЗЖни бартараф қилишга мухтож бўлса, учинчи гуруҳдаги деярли барча беморларда юқори ва пастки жағларда бараварига патология мавжудлиги аниқланди.

ФТЗЖ нинг турли даражаларида тишларнинг ўлчамига келсак, биз биринчи гуруҳ болаларида пастки жағнинг тўртта кесувчи тишлар тожлари кенглигининг йиғиндиси иккинчи ва учинчи гуруҳларга қараганда сезиларли даражада кам эканлигини аниқладик: масалан, биринчи гуруҳдаги болаларда у $23,31 \pm 0,48$ мм, иккинчисида - $24,39 \pm 0,22$ мм, учинчисида - $25,15 \pm 0,23$ ммни ташкил этди. Корреляция таҳлили шуни кўрсатдики, пастки тишларнинг катталиги ва тиш ёйининг фронтал етишмовчилиги ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик бор. Худди шундай муносабатни юқори жағнинг кесувчи тишларининг ўлчамлари ўртасида ҳам кузатиш мумкин, бунда биринчи гуруҳдаги тўртта кесувчи тиш тожининг кенглиги йиғиндиси $28,79 \pm 0,55$ мм, иккинчиси - $30,77 \pm 0,52$ мм, учинчиси - $29,87 \pm 0,64$ ммни ташкил этди.

Тиш равоғи олдинги сегменти узунлигининг қисқариши фронтал қисмнинг текисланиши ва тиш қатори шакли ўзгариши билан намоён бўлади. Шундай қилиб, биринчи гуруҳдаги 17 боланинг 13 тасида (76,47%) биометрик ўлчовлар натижасида пастки жағ тиш қатори олд қисмининг текисланишини аниқладик. Уларда тиш равоғи олдинги сегментининг етарли бўлмаган узунлиги $1,56 \pm 0,30$ ммни ташкил этди. Иккинчи гуруҳда бу кўрсаткич $2,75 \pm 0,28$ мм, учинчи гуруҳда эса $3,75 \pm 0,38$ ммга тенг бўлди. Учинчи гуруҳда текширилганларнинг барчасига текисланиш ташхиси қўйилган.

Агар кўрсаткичларни қиймати фоиз сифатида ифодаланса ва индивидуал меъёр билан таққосланса тиш равоғи олдинги сегменти узунлиги етарли эмаслиги аниқроқ намоён бўлади. Бу кўрсаткич биринчи гуруҳда $12,37 \pm 2,4\%$, иккинчи гуруҳда $18,15 \pm 1,83\%$, учинчи гуруҳда $21,76 \pm 1,97\%$ ташкил этди.

Пастки жағ тишларини кўндаланг йўналишда ўлчанганда биринчи вақтинчалик молярлар соҳасида торайишнинг устунлиги аниқланди, бу биринчи доимий моларлар соҳасидаги торайишдан ўртача 2 барабар кўп эди.

Биринчи гуруҳдаги болаларнинг 17 тадан 10 тасида биометрик кўрсаткичлар ёрдамида соғанинг торайиб кетиши аниқланган: $\overline{IV}|IV$ соҳада унинг қиймати ўртача $2,50 \pm 0,56$ мм ёки индивидуал норманинг $7,52 \pm 1,7\%$ ни ташкил этди. Иккинчи гуруҳда текширилганларнинг кўпчилигида (97,8%) торайиш аниқланган ва фақат битта беморда (2,2%) тиш қаторининг кенглиги ўзгармаган. Ушбу гуруҳдаги беморларда торайиш $4,40 \pm 0,36$ мм ёки $12,02 \pm 0,99\%$ ни ташкил этди. Учинчи гуруҳдаги барча болаларда тиш қаторининг торайиши кузатилди, унинг қиймати $6,25 \pm 0,40$ мм ёки норманинг $16,30 \pm 1,00\%$ ни ташкил этди ($P < 0,01$).

Олинган маълумотлар ФТЗЖ даражаси ва биринчи вақтинчалик молярлар соҳасидаги торайиш даражаси ўртасида яқин боғлиқлик борлигини кўрсатади, яъни кўндаланг йўналишда зарарли омиллар таъсирига кўпроқ мойил бўлган ФТЗЖ мавжуд бўлган болаларда энг кўп учрайди ва фронтал соҳадаги тишларнинг ҳолатига таъсир қилиши мумкин (Снагина Н.Г., 1973; Малигин Ю.М., 1990).

Апикал асоснинг ўлчамлари унинг тиш қисмини кутилган ўлчам даражасида ушлаб туриш қобилияти нуқтаи назаридан баҳоланди, бу 12 та доимий тишнинг мезиодистал диаметрларининг йиғиндиси сифатида аниқланди. Шундай қилиб, биринчи гуруҳ болаларида апикал асоснинг кенглигининг етишмовчилиги $2,60 \pm 0,63$ мм ($7,14 \pm 1,74\%$) ни ташкил этди. 1 нафар (5,88%) болада унинг узунлиги барча тишларни сиғдириш учун етарли эди, қолганларида апикал асоснинг узунлиги етарли эмас ($+ 0,05$ мм), яъни бутун гуруҳда бу кўрсаткичнинг статистик жиҳатдан аниқланмаган. Иккинчи гуруҳ болаларида апикал асос узунлигининг етишмаслиги $1,09 \pm 0,13$ мм ($2,97 \pm 0,36\%$), текширилганларнинг кўпчилигида аниқланган кенглигининг етишмаслиги эса ўртача $3,85 \pm 0,69$ мм ($10,16 \pm 1,86\%$) ни ташкил этди.

Учинчи гуруҳда ўртача апикал асос узунлигининг етишмовчилиги $2,80 \pm 0,43$ мм ($7,07 \pm 1,08\%$) га тенг бўлиб, 88,1% болаларда кузатилди. Бу гуруҳдаги барча болаларда апикал асос кенглигининг етишмаслиги $5,03 \pm 0,58$ мм ($13,76 \pm 1,62$) га етди.


Юқори жағ диагностик моделларининг ўлчов кўрсаткичлари, тишларни, унинг апикал асосини тавсифловчи пастки жағда кузатилган ўзгаришларга мос келади (2.3 ва 2.4-жадвалларга қаранг).

Шундай қилиб, ФТЗЖ билан оғриган болаларда тишлар, тишлар ва апикал асосларнинг биометрик таҳлили маълумотлари тиш равоғининг

фронтал етишмовчилиги, тиш равоғининг тахминий узунлигининг умумий етишмовчилиги ва торайишнинг олдинги сегменти узунлигининг ошиши, тиш қатори апикал асоснинг кенглиги ва узунлигининг етишмаслиги билан ортади. Ушбу кўрсаткичлар орасида энг муҳимлари:

1) тиш равоғининг тахмин қилинган узунлигининг умумий етишмовчилиги,

2) апикал асос кенглигининг етарли эмаслиги;

3) соҳанинг торайиши 

4) тиш равоғи олдинги сегменти узунлигининг етарли эмаслиги.

I ва II даражадаги ФТЗЖ билан касалланган, тиш ёйининг озгина умумий етишмовчилиги ва унинг торайиши бўлган болаларда апикал асоснинг узунлиги барча тишларни жойлаштириш учун етарли бўлди, бу эса ўз навбатида пастки жағ ФТЗЖ ҳолатини тиш қаторини бироз кенгайтириш орқали бартараф этиш мумкин.

Шу билан бирга, III ва IV даражали оғир патологияси бўлган болаларда (иккинчи ва учинчи гуруҳлар), тиш ёйининг тахмин қилинган узунлигининг умумий етишмовчилиги ҳар доим фронтал ўлчамлардан ортиб кетади, зич жойлашган курак тишлари билан бирга, премолярлар ва доимий қозик тишлар учун тиш равоғининг латерал сегментларида жой етишмаслиги кузатилади, мавжуд апикал асоснинг узунлиги ва кенглиги 12 та доимий тишларини жойлаштириш учун етарли эмас, тиш қаторининг торайиши билан фронтал соҳанинг сезиларли даражада текисланиши кузатилади, кўпинча тишлар катта ўлчам эга. Бундай ҳолатларнинг барчасида тишлар сонини камайтириш лозим.

2.4 Ортопантомография текширувлар натижалари

Ортопантомограммаларни олиш қулайлиги, нурланиш дозаларининг пастлиги (Iung H., 1965), сут ва доимий тишларнинг ёриб чиқиши ва алмашилиш динамикасини кузатиш, ташхис қўйиш ҳамда ортодонтик даволаш усулини танлаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, даволашни бошлашдан олдин барча беморларда ортопантомограмма ўтказилди. ОРТПГда кесувчи тишларнинг майдони тўлиқ ўлчамда кўрсатилганлиги сабабли, бу пастки жағ кесувчи тишларининг ҳолатини, жағдаги доимий тишлар куртакларининг жойлашишини, кетма-кетлигини, ёриб чиқиш тури ва

бурчагини, вақтинчалик тишларнинг илдизларини резорбция бўлиш даражасини баҳолашга имкон беради.

Ўрганиш учун 32 нафар барча доимий пастки жағ кесувчи тишлари ёриб чиққан болаларнинг ортопантомограммалари танлаб олинди. Ортопантомограммаларда кесувчи тишларнинг уч хил жойлашувини аниқлади:

1) тўғри, илдизлар ва тиш тожлари эркин ва бир-бирига параллел жойлашган (2.1-расм);


2) тишларнинг тожлари елпиғич шаклида, илдизлари марказга йўналтирилган (2.2-расм);

3) кесувчи тишлар бир-бирига устма-уст жойлашган (2.3-расм).


Биринчи гуруҳдаги 10 нафар боланинг 7 нафарида ($21,9 \pm 1,3\%$), иккинчи гуруҳдаги 4 нафарида ($12,5 \pm 1,0\%$) ва учинчи гуруҳдаги болаларнинг ($3,1 \pm 0,5\%$) 1 нафарида ($3,1 \pm 0,5\%$) ОРТПГда кесувчи тишларнинг тўғри жойлашиши кузатилган. (2.6-жадвал).

Кесувчи тишларининг елпиғич шаклидаги жойлашуви ОРТПГ да 1 нафар болада ($3,1 \pm 0,5\%$), иккинчи гуруҳда 5 нафарида ($15,6 \pm 1,1\%$) ва учинчи гуруҳда 4 нафарда ($12,5 \pm 1,0\%$) қайд этилган.

ФТЗЖ кучайиши билан кесувчи тишларнинг бир-бирига устма-уст жойлашиш частотаси ортиб борди: шундай қилиб, биринчи гуруҳда кесувчи тишларнинг бир-бирининг устига тушиши 2 болада ($6,3 \pm 0,7\%$), иккинчи гуруҳнинг 2тасида ($6,3 \pm 0,7\%$), учинчисида - 6 ($18,8 \pm 1,2\%$) аниқланган бўлиб, фарқлар ($P < 0,001$) ишончлилиқ даражасига эга.



2.1-расм Кесувчи тишларнинг параллель жойлашуви



2.2-расм. Кесувчи тишларнинг елпиғичсимон жойлашуви.



2.3-расм. Кесувчи тишлар бир-бирига устма-уст жойлашган.

Тиш куртакларининг жойлашиши уларнинг катталиги, жағнинг танасининг ўлчами, $\overline{6|6}$ тишни мезиал силжиши, шунингдек доимий тишларнинг ёриб чиқиш кетма-кетлиги билан белгиланади. Пастки жағнинг латерал соҳаларида доимий тишлар куртакларининг жойлашиши қуйидагича баҳоланди:

- эркин, яъни тишлар куртаклари эркин жойлашган, улар орасида ғоваксимон модданинг бўшлиқлари мавжуд (2.4-расм);

- зич, $\overline{43|34}$ тиш куртаклари бир-бирига туташган ҳолда, $\overline{4|4}$ ва $\overline{5|5}$ фолликулалар орасида ғоваксимон модда мавжуд (2.5-расм);

- тиш куртаклари зич жойлашган $\overline{543|345}$ фолликуллар бир-бирига тегиб ёки бир-бирига ёпишган ҳолда жойлашиши (2.5-расм).

ОРТПГда биринчи гуруҳдаги болаларнинг $9,4 \pm 0,8\%$ да тиш куртакларининг эркин жойлашиши, $15,6 \pm 1,1\%$ да зич жойлашиши ва $6,3 \pm 0,8\%$ да сиқилган ҳолда жойлашуви аниқланган.

2.6 жадвал. ФТЗЖ болаларда ортопантомограмма


Кўрсаткич	I даража	II даража	III даража
	Курак тишларининг жойлашуви		
Параллел	7 (21,9±1,3)	4 (12,5±1,0)	1 (3,1±0,5)
Елпиғичсимон	1 (3,1±0,5)	5 (15,6±1,1)	4 (12,5±1,0)
Бир-бирига эгилган	2 (6,3±0,7)	2 (6,3±0,7)	6 (18,8±1,2)
Жами	10 (31,3±1,5)	11 (34,4±1,6)	11 (34,4±1,6)
	Куртакларнинг жойлашуви		
Эркин	3 (9,4±0,8)	3 (9,4±0,8)	1 (3,1±0,5)
Зич	5 (15,6±1,1)	6 (18,8±1,2)	4 (12,5±1,0)
Сиқилган	2 (6,3±0,7)	2 (6,3±0,7)	6 (18,8±1,2)
Жами	10 (31,3±1,5)	11 (34,4±1,6)	11 (34,4±1,6)
	Қозик тишларининг жойлашуви		
Мезиал эгилган	4 (12,5±1,0)	6 (18,8±1,2)	7 (21,9±1,3)
Вертикал эгилган	6 (18,8±1,2)	5 (15,6±1,1)	4 (12,5±1,0)
Жами	10 (31,3±1,5)	11 (34,4±1,6)	11 (34,4±1,6)
	5та тишнинг ёриб чиқиш тури		
Вертикал	6 (18,8±1,2)	7 (21,9±1,3)	5 (15,6±1,1)
Мезиал	1 (3,1±0,5)	1 (3,1±0,5)	(±0,0)
Дистал	3 (9,4±0,8)	3 (9,4±0,8)	6 (18,8±1,2)
Жами	10 (31,3±1,5)	11 (34,4±1,6)	11 (34,4±1,6)
	Сут тишлари илдизларининг резорбцияси		
Бир текис	6 (18,8±1,2)	9 (28,1±1,4)	7 (21,9±1,3)
Мезиал илдиздан	1 (3,1±0,5)	(0±0,0)	1 (3,1±0,5)
Дистал илдиздан	(0±0,0)	1 (3,1±0,5)	2 (6,3±0,7)
Бифуркация соҳасида	3 (9,4±0,8)	1 (3,1±0,5)	1 (3,1±0,5)

Жами	10 (31,3±1,5)	11 (34,4±1,6)	11 (34,4±1,6)
	Ён тишлар куртакларининг ёриб чиқиш турлари		
Кетма-кет	8 (25±1,4)	8 (25±1,4)	8 (25±1,4)
Кетма-кет эмас	2 (6,3±0,7)	3 (9,4±0,8)	3 (9,4±0,8)
Жами	10 (31,3±1,5)	11 (34,4±1,6)	11 (34,4±1,6)


Учинчи гуруҳдаги болаларда ФТЗЖ нинг IV оғирлик даражаси мавжуд бўлган ОРПТГ да пастки жағнинг латерал соҳаларида тиш куртакларининг эркин жойлашиши фақат 1 (3,1 ± 0,5%)да, сиқилган ҳолатда жойлашуви устунлик қилган ҳолда - 18,8 ± 1,2%, 4 нафар беморлар ОРПТГ 43|34 зич ҳолда жойлашгани (12,5 ± 1,0%) аниқланган.



2.4-расм. Тиш куртакларини эркин ҳолатда жойлашуви.




2.5-расм. Ён тишлар куртакларининг зич ҳолатда жойлашуви.



2.6-расм. Тиш куртакларининг зич ҳолатда жойлашуви.



2.7-расм Кесувчи тишларнинг эркин жойлашуви



2.8-расм. Кесувчи тишларнинг елпигичсимон жойлашуви.



2.9-расм. Кесувчи тишлар бир-бирига устма-уст жойлашган.

Биз премоляр ва қозик тишлар куртакларининг жойлашиш даражасини, яъни уларнинг ёриб чиқиш кетма-кетлигини алвеоляр ўсимтанинг учига нисбатан баҳоладик. Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги беморларда ушбу тишларнинг чиқиш кетма-кетлигида биз сезиларли фарқларни топмадик, бу кўрсаткич мос равишда $25 \pm 1,4\%$ ва $25 \pm 1,4\%$ ни ташкил этди. Биринчи гуруҳдаги болаларнинг $6,3 \pm 0,87\%$ ва иккинчи гуруҳдаги $9,4 \pm 0,8\%$ болаларда қозик тишлар биринчи премолярлар билан бир хил даражада ёриб чиқди ёки ундан бироз олдинроқ чиқди. Учинчи гуруҳ болаларида бу кўрсаткич $9,4 \pm 0,8\%$ ни ташкил этди ва $25 \pm 1,4\%$ кузатувларда куртакларнинг жойлашиши даражаси ўзгармади, бу $\frac{543}{345}$ куртакларининг сезиларли даражада сиқилиши билан изоҳланади.

$\frac{3}{3}$ мезиал оғиши биринчи гуруҳ болаларининг $12,5 \pm 1,0\%$ да, иккинчи гуруҳнинг $18,8 \pm 1,2\%$ ва учинчи гуруҳ болаларининг $21,9 \pm 1,3\%$ да кузатилган. Тишларнинг ёриб чиқиш кетма-кетлигига қозик тишларнинг оғишга мойиллиги ва куртакларнинг яқин жойлашиши таъсир қилиши мумкин.

Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги болаларда ОРТПГда $\frac{5}{5}$ тиш куртакларининг жойлашиши асосан вертикалдир ($18,8 \pm 1,2\%$ ва $21,9 \pm 1,3\%$).

$\frac{5}{5}$ тишларнинг дистал оғиши биринчи гуруҳдаги болаларнинг $9,4 \pm 0,8\%$ ва иккинчи гуруҳдаги болаларнинг $9,4 \pm 0,8\%$, шунингдек, учинчи гуруҳдаги болаларнинг $18,8 \pm 1,2\%$ да кузатилди. Уларнинг мезиал оғиши, ФТЗЖ даражасидан қатъий назар, камдан-кам ҳолларда учрайди.

Вақтинчалик тишлар илдизининг резорбсияси уч хил бўлди. Илдизнинг бир текис резорбсияси билан тавсифланган биринчи тип, асосан, биринчи гуруҳ болаларида ($18,8 \pm 1,2\%$) аниқланган; иккинчи гуруҳдаги беморларда $28,1 \pm 1,4$ ва $3,1 \pm 0,5\%$ ҳолларда биринчи ва учинчи турлар (бифуркация соҳасида резорбция устунлик қилади) аниқланган. Учинчи гуруҳ болаларида дистал илдизнинг бир текис резорбцияси (иккинчи турдаги) кузатилди ($21,9 \pm 1,3\%$), бу ўз навбатида шу гуруҳдаги болаларда $\frac{5}{5}$ тиш куртаклари дистал йўналишини аниқлаш имконини берди.

Шундай қилиб, ОРТПГ таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, биринчи ва иккинчи даражали ФТЗЖ мавжуд бўлган болаларда курак тишларнинг тўғри жойлашиши, жағдаги премоляр ва қозик тишлар куртакларининг эркин ёки зич жойлашиши, тўғри оғиш ва кетма-кет ёриб чиқиш белгилари билан намоён бўлади. Аномалия даражасининг ошиши билан кесувчи тишларнинг тўғри жойлашиши ва тиш куртакларининг эркин жойлашиш частотаси

пасаяди ва кесувчи тишларнинг елпиғич шаклидаги жойлашуви аниқланади, бу эса пастки жағнинг латерал соҳаларида тиш куртакларининг зич ва сиқилган холда жойлашиши билан бирга кечади. Сут тишлар илдизларининг резорбцияси иккинчи турга мос равишда юзага келади, бунда дистал илдизларнинг резорбцияси устунлиги ва иккинчи премолярлар куртакларининг дистал оғиши билан содир бўлади.

2.5. Лазерли доплер флоуметрия текширув натижалари

Биз 5 гуруҳдаги 52 беморда лазерли доплер флоуметрия текширув усулидан фойдаланиб, микрокуляция ҳолатини ўргандик. Назорат гуруҳига 10 нафар бемор, иккинчи гуруҳга I-II даражали ФТЗЖга эга 7 нафар бола, учинчи гуруҳга III даражали ФТЗЖга эга бўлган 10 нафар бола, тўртинчи гуруҳга IV даражали ФТЗЖ бўлган 10 нафар бола кирди. Ушбу гуруҳлардаги болалар даволанишдан олдин текширилди. Бешинчи гуруҳга ФТЗЖ билан ортодонтик даволанган 15 нафар бола кирди. Даволашдан олдин ва кейин олинган кўрсаткичлар бир-бири билан, шунингдек, оғиз бўшлиғи патологияси бўлмаган иккинчи назорат гуруҳидаги шахслардан (7-8 ёшли 12 бола) олинган маълумотлар таққосланди. Оғиз бўшлиғининг нормал ҳолатида милк шиллик қавати оч пушти рангда, милк чеккалари рельефи сақланган, милк тиш бўйнига зич бириккан, тиш-милк чўнтақларининг чуқурлиги 1-2 ммдан ошмаган. Тиш карашлари мавжуд эмас. ЛДФ усуллари ва ўрганилганлар тўғрисидаги маълумотлар 2-бобда келтирилган.

ФТЗЖ I-II даражасида микроциркуляция индекси (МИ) 10,3 дан 12,8 перфузион бирликкача (п.б.) ошади (2.7-жадвал), микроциркуляция самарадорлиги индекси (МСИ) эса 0,94 га камаяди (назоратда 1,06). Ўзгарувчанлик коэффициенти (ЎК) назорат билан солиштирганда деярли 1,5 марта (26,8 дан 18,4 гача) камайди.

ЛДФ сигналининг частотали хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, α - кардиоритмлари сезиларли ўзгаришларга дуч келмайди, шу билан бирга паст частотали компонент ($\beta + \gamma$) сезиларли даражада камаяди. Ўз навбатида, бу частоталарда амплитудаларнинг ўзгаришида тескари тенденция кузатилади. Шунга ўхшаш ҳодисалар нисбий амплитуда кўрсаткичларида қайд этилган (2.7-жадвал).

I-II даражали ФТЗЖ билан компенсацион характерга эга микроциркуляция самарадорлигининг бузилиши мавжуд. Бузилишнинг ўзи, шубҳасиз, капиллярларнинг “ўртача сиқилиши” билан боғлиқ ва

компенсацион-адаптив реакция эндотелиал қоплама ва микромироларнинг силлик мушаклари аппарати тонусини ошириш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, ФТЗЖ нинг I ва II даражаси мавжуд болаларида ПМ нинг ўсиши асосан секин тебранишлар амплитудасининг ортиши билан боғлиқ (а ва LF), бу эндотелиал қоплама ва силлик мушак аппарати фаоллашиши билан боғлиқ. Ушбу ҳодисага строманинг тиш қаторидан ўртача сиқилишига нисбатан компенсатор-адаптив реакция сифатида қараш керак.

I-II даражалардан фарқли ўлароқ, III ва IV даражаларда микроциркуляция индекси мос равишда 10,3 дан 9,47 ва 9,22 п.б гача пасаяди, микроциркуляция самарадорлиги индекси эса, аксинча, 1,12 ва 1,21 га ошади (назорат 1,06) (2.8-жадвал). Вариация коэффиценти мос равишда (18,4 дан 26,8 ва 27,8 гача) ортади. Бизнинг фикримизча, бу кўрсаткични ижобий деб ҳисобламаслик керак, чунки у микроциркуляция кўсаткичининг пасайиши фонида содир бўлади.

ЛДФ сигналининг частота хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, I-II даражалардан фарқли ўлароқ, ФТЗЖ нинг III ва IV даражасида кардиоритмик частоталардан ташқари барча частота диапазонларида ўзгаришлар кузатилади. Белгиланган частоталарда, шу жумладан α -ритмдаги амплитудаларнинг ўзгаришида тесқари тенденция кузатилади.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, ФТЗЖ III даражаси ва ундан ҳам кўпроқ IV даражасида шиллик қаватни қон билан таъминлашда сезиларли бузилишлар юзага келади. Шу билан бирга, микроциркуляциянинг барча қисмларида тонуснинг ошиши кузатилади. Бироқ, бу тузилмаларнинг фаоллашиши шиллик қават тўқималарини қон билан таъминлашни компенсатор равишда қоплашга қодир эмас.

Шундай қилиб, ФТЗЖ нинг III ва айниқса IV даражалари билан а ва LF амплитудаларининг ошишига ва шунга мос равишда ИЭМ нинг 10-20% ПМ га ўсишига қарамай, нормал қийматларга нисбатан ҳам, айниқса, ФТЗЖ нинг I ва II даражасида 10-20% га ошиши диққатга сазовордир. Бизнинг фикримизча, бу факт ФТЗЖ III ва айниқса IV даражаларида кузатилган аниқ структуравий ўзгаришлар шароитида перфузия даражаси учун масъул бўлган маҳаллий механизмлар (эндотелиал қоплама ва силлик мушак аппарати) ушбу патологиянинг бузилишларини бартараф эта олмаслигини кўрсатади.

Амалга оширилган ортодонтик даволаш шиллик қават тўқималарининг перфузия даражасини (МК) нормал қийматларга қайтаришга ёрдам беради

(10,8 п.б.) (2.8-жадвал). Шу билан бирга, МЦИ кўрсаткичи анча юқори - 1,34 даражада қолмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, K_v , шунингдек, микроциркулятор оқимнинг частотаси ва амплитудаси хусусиятлари ўрганилаётган даврларда нормаллаштирилмайди, чунки қон томир тонуси анча юқори даражада сақланиб қолади. Бу эса оғиз бўшлиғи учун бегона материал бўлган ортодонтик аппаратга нисбатан реакцияга боғлиқ.

2.7-жадвал. I-II даражадаги ФТЗЖ бўлган беморларда ЛДФ кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат	I-II даража
	М ± м	М ± м
$A_{maxCF}/A_{maxB} (LF)$	0,36 ± 0,05	0,34 ± 0,05
$A_{maxHF}/A_{maxB} (LF)$	0,74 ± 0,08	0,94 ± 0,15
$ИЭМ = A_{LF}/(A_{CF} + A_{HF})$	1,06 ± 0,15	0,94 ± 0,1
М	10,3 ± 1,02	12,8 ± 1,11
σ	2,6 ± 0,43	2,37 ± 0,38
K_v	26,8 ± 5,27	18,4 ± 2,67
$F_{max-\alpha}$	2,7 ± 0,1	2,66 ± 0,12
F_{maxLF}	6,0 ± 0,93	4,8 ± 0,59
F_{maxHF}	16,5 ± 1,46	13,3 ± 0,51
F_{maxCF}	57,48 ± 3,06	57,6 ± 4,71
$A_{max-\alpha}$	2,99 ± 0,5	3,25 ± 0,71

2.7-жадвал давоми

Кўрсаткич	Назорат	I-II даража
A_{maxLF}	2,87 ± 0,43	3,04 ± 0,63
A_{maxHF}	2,21 ± 0,56	2,3 ± 0,43
A_{maxCF}	1,05 ± 0,27	0,94 ± 0,19

$A_{\max-a}/3\sigma*100\%$	39,2 $\pm$ 3,52	38,2 $\pm$ 2,44
$A_{\max LF}/3\sigma*100\%$	38,1 $\pm$ 3,46	36,4 $\pm$ 1,68
$A_{\max HF}/3\sigma*100\%$	26,4 $\pm$ 2,01	28,7 $\pm$ 1,87
$A_{\max CF}/3\sigma*100\%$	12,6 $\pm$ 1,23	12,4 $\pm$ 1,83
$A_{\max-\alpha}/M*100\%$	30,6 $\pm$ 6,9	26,3 $\pm$ 6,26
$A_{\max LF}/M*100\%$	29,7 $\pm$ 5,63	23,5 $\pm$ 5,5
$A_{\max HF}/M*100\%$	22,2 $\pm$ 5,7	17,5 $\pm$ 3,42
$A_{\max CF}/M*100\%$	10,2 $\pm$ 2,44	7,03 $\pm$ 1,23

2.8-жадвал. III-IV даражадаги ФТЗЖ бўлган беморларда ЛДФ кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат	3-даража	4- даража
	$\pm$ М	М $\pm$ М	М $\pm$ М
$A_{\max CF}/A_{\max B}$ (LF)	0,36 $\pm 0,05$	0,4 $\pm 0,06$	0,25 $\pm 0,02$
$A_{\max HF}/A_{\max B}$ (LF)	0,74 $\pm 0,08$	0,71 $\pm 0,07$	0,61 $\pm 0,04$
$MCI = A_{LF}/(A_{CF} + A_{HF})$	1,06 $\pm 0,15$	1,12 $\pm 0,18$	1,21 $\pm 0,07$
M	10,3 $\pm 1,02$	9,47 $\pm 1,37$	9,22 $\pm 0,48$
σ	2,6 $\pm 0,43$	2,6 $\pm 0,54$	2,47 $\pm 0,24$
Kv	26,8 $\pm 5,27$	26,8 $\pm 4,1$	27,6 $\pm 3,08$
$F_{\max-\alpha}$	2,7 $\pm 0,1$	2,58 $\pm 0,09$	2,46 $\pm 0,06$
$F_{\max LF}$	6,0 $\pm 0,93$	5,22 $\pm 1,0$	4,26 $\pm 0,43$
$F_{\max HF}$	16,5 $\pm 1,46$	17,2 $\pm 1,4$	13,7 $\pm 0,43$
$F_{\max CF}$	57,48 $\pm 3,06$	56,8 $\pm 2,96$	58,0 $\pm 1,87$
$A_{\max-\alpha}$	2,99 $\pm 0,5$	4,01 $\pm 0,96$	4,15 $\pm 0,61$
$A_{\max LF}$	2,87 $\pm 0,43$	3,83 $\pm 0,83$	3,48 $\pm 0,43$
$A_{\max HF}$	2,21 $\pm 0,56$	2,37 $\pm 0,39$	2,05 $\pm 0,22$

2.8-жадвал давоми

Кўрсаткич	Назорат	3-даража	4- даража
	М $\pm$ М	М $\pm$ М	М $\pm$ М
$A_{\max CF}$	1,05 $\pm 0,27$	1,04 $\pm 0,19$	0,93 $\pm 0,16$
$A_{\max-a}/3\sigma*100\%$	39,2 $\pm 3,52$	41,4 $\pm 4,77$	57,9 $\pm 3,1$

$A_{maxLF}/3\sigma*100\%$	38,1 $\pm 3,46$	40,4 $\pm 3,17$	50,0 $\pm 2,64$
$A_{maxHF}/3\sigma*100\%$	26,4 $\pm 2,01$	26,8 $\pm 1,74$	30,8 $\pm 1,88$
$A_{maxCF}/3\sigma*100\%$	12,6 $\pm 1,23$	12,1 $\pm 1,12$	11,9 $\pm 0,64$
$A_{max-\alpha}/M*100\%$	30,6 $\pm 6,9$	41,4 $\pm 9,66$	47,1 $\pm 8,37$
$A_{maxLF}/M*100\%$	29,7 $\pm 5,63$	39,6 $\pm 7,48$	39,3 $\pm 6,17$
$A_{maxHF}/M*100\%$	22,2 $\pm 5,7$	24,8 $\pm 2,59$	23,6 $\pm 3,42$
$A_{maxCF}/M*100\%$	10,2 $\pm 2,44$	10,8 $\pm 1,09$	9,77 $\pm 1,65$

Биз беморлар гуруҳига қараб, ЛДФ кўрсаткичларининг график ва статистик таҳлилини ўтказдик (2.10-жадвал, 2.6-диаграмма).

Шундай қилиб, ФТЗЖ даволангандан сўнг беморлар гуруҳидан олинган ЛДФ-граммлар шуни кўрсатдики микроциркуляциянинг бузилиши, ҳатто аниқ ўзгаришлар бўлган ҳолда ҳам, меъёрга қайтиш хусусиятига эга. Шундай қилиб, 4 ойлик коррекциядан сўнг, МК асл ҳолатига қайтди ва МЦИ а-амплитудаси туфайли назорат қийматларидан бироз ошиб кетди. Коррекция шиллиқ қаватнинг қон таъминоти яхшиланишига олиб келади. Бироқ, бу беморларга яллиғланишга қарши санация чораларини кўриш кераклигини унутмаслигимиз керак.

Маълумки, бу кўрсаткичлар индивидуал хусусиятларга эга, аммо бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ЛДФ оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини қон билан таъминлашдаги бузилишларнинг табиатини объектив баҳолаш ва бу бузилишларнинг механизмларини аниқлаш мумкин бўлган жуда инфорацион усулдир. Бизнинг маълумотларимизга кўра, пастки жағнинг ОТСХЖ ҳудудида микроциркуляцияни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар энг катта диагностик маълумотларини беради: МК, МЦИ, К_v, шунингдек секин ритмларнинг амплитудали хусусиятлари.

2.9-жадвал. ФТЗЖ IV босқичи бўлган беморларда даволашдан кейин ЛДФ кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат	4-даража	Даволашдан сўнг
	М $\pm$ м	М $\pm$ м	М $\pm$ м
A_{maxCF}/A_{maxB} (LF)	0,36 $\pm 0,05$	0,25 $\pm 0,02$	0,26 $\pm 0,03$
A_{maxHF}/A_{maxB} (LF)	0,74 $\pm 0,08$	0,61 $\pm 0,04$	0,54 $\pm 0,04$
$МСИ = A_{LF}/(A_{CF} + A_{HF})$	1,06 $\pm 0,15$	1,21 $\pm 0,07$	1,34 $\pm 0,1$

M	10,3 ±1,02	9,22 ±0,48	10,8 ±0,71
σ	2,6 ±0,43	2,47 ±0,24	3,16 ±0,46
Kv	26,8 ±5,27	27,6 ±3,08	30,4 ±4,88
Fmax-α	2,7 ±0,1	2,46 ±0,06	2,46 ±0,05
FmaxLF	6,0 ±0,93	4,26 ±0,43	3,97 ±0,17
FmaxHF	16,6 ±1,46	13,7 ±0,43	15,3 ±1
FmaxCF	67,6 ±3,06	58,0 ±1,87	57 ±2,3
Amax- α	2,99 ±0,5	4,15 ±0,61	4,41 ±0,69
AmaxLF	2,87 ±0,43	3,48 ±0,43	3,96 ±0,61
AmaxHF	2,21 ±0,56	2,05 ±0,22	2,02 ±0,33
AmaxCF	1,06 ±0,27	0,93 ±0,16	1,07 ±0,31
Amax-a/ 3σ*100%	39,2 ±3,52	57,9 ±3,1	45,7 ±1,57
AmaxLF/3σ*100%	38,1 ±3,46	50,0 ±2,64	40,6 ±1,68
AmaxHF/3σ*100%	26,4 ±2,01	30,8 ±1,88	21,9 ±1,52
AmaxCF/3σ*100%	12,6 ±1,23	11,9 ±0,64	10,5 ±1,38
Amax- α /M*100%	30,6 ±6,9	47,1 ±8,37	42,6 ±7,14
AmaxLF/M*100%	29,7 ±5,63	39,3 ±6,17	38,3 ±6,44
AmaxHF/M*100%	22,2 ±5,7	23,6 ±3,42	19,8 ±3,64
AmaxCF/M*100%	10,2 ±2,44	9,77 ±1,65	10,7 ±3,52

2.10-жадвал

Кўрсаткичлар	Назорат	1-2 даража	3-даража
	M±m	M±m	M±m
AmaxCF/AmaxB (LF)	0.36±0.05	0.34±0.05	0.4±0.06
AmaxHF/AmaxB (LF)	0.74±0.08	0.94±0.15	0.71±0.07
МСИ = A _{LF} / (A _{CF} + A _{HF})	1.06±0.15	0.94±0.1	1.12±0.18
M	10.3±1.02	12.8±1.11	9.47±1.37
σ	2.6±0.43	2.37±0.38	2.6±0.54
Kv	26.8±5.27	18.4±2.67	26.8±4.1
Fmax- α	2.7±0.1	2.66±0.12	2.58±0.09

Fmax LF	6.0±0.93	4.8±0.59	5.22±1.0
Fmax HF	16.5±1.46	13.3±0.51	17.2±1.4
Fmax CF	57.48±3.06	57.6±4.71	56.8±2.96
Amax - α	2.99±.05	3.25±0.71	4.01±0.96
Amax LF	2.87±0.43	3.04±0.63	3.83±0.83
Amax HF	2.21±0.56	2.3±0.43	2.37±0.39
Amax CF	1.05±0.27	0.94±0.19	1.04±0.19
Amax-a/ 3σ *100%	39.2±3.52	38.2±2.44	41.4±4.77
AmaxLF/ 3σ *100%	38.1±3.46	36.4±1.68	40.4±3.17
AmaxHF/ 3σ *100%	26.4±2.01	28.7±1.87	26.8±1.74
AmaxCF/ 3σ *100%	12.6±1.23	12.4±1.83	12.1±1.12
Amax- α /M*100%	30.6±6.9	26.3±6.26	41.4±9.66
AmaxLF/M*100%	29.7±5.63	23.5±5.5	39.5±7.48
AmaxHF/M*100%	22.2±5.7	17.5±3.42	24.8±2.59
AmaxCF/M*100%	10.2±2.44	7.03±1.23	10.8±1.09

2.10-жадвални давоми

Кўрсаткичлар	4-даража	Даволашдан сўнг
	M±m	M±m
AmaxCF/AmaxB (LF)	0.25±0.02	0.26±0.03
AmaxHF/AmaxB (LF)	0.61±0.04	0.54±0.04
МСИ = $A_{LF} / (A_{CF} + A_{HF})$	1.21±0.07	1.34±0.1
M	9.22±0.48	10.8±0.71
σ	2.47±0.24	3.16±0.46
Kv	27.6±3.08	30.4±4.88
Fmax- α	2.46±0.06	2.46±0.05
Fmax LF	4.26±0.43	3.97±0.17
Fmax HF	13.7±.0.43	15.3±1
Fmax CF	58.0±1.87	57.0±2.3
Amax - α	4.15±0.61	4.41±0.69

Amax LF	3.48±0.43	3.96±0.61
Amax HF	2.05±0.22	2.02±0.33
Amax CF	0.93±0.16	1.07±0.31
Amax-a/ 3σ *100%	57.9±3.1	45,7±1.57
AmaxLF/ 3σ *100%	50.0±2.62	40.6±1.68
AmaxHF/ 3σ *100%	30.8±1.88	21.9±1.52
AmaxCF/ 3σ *100%	11.9±0.64	10.5±1.38
Amax- α /M*100%	47.1±8.37	42.6±7.14
AmaxLF/M*100%	39.3±6.17	38.3±6.44
AmaxHF/M*100%	23.6±3.42	19.8±3.64
AmaxCF/M*100%	9.77±1.65	10.7±3.52


2.11-жадвал. I-II даражадаги ФТЗЖ бўлган беморларда ЛДФ кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат	I-II даража
	М ± м	М ± м
AmaxCF/AmaxB (LF)	0,36 ± 0,05	0,34 ± 0,05
AmaxHF/AmaxB (LF)	0,74 ± 0,08	0,94 ± 0,15
ИЭМ = $A_{LF} / (A_{CF} + A_{HF})$	1,06 ± 0,15	0,94 ± 0,1
M	10,3 ± 1,02	12,8 ± 1,11
σ	2,6 ± 0,43	2,37 ± 0,38
Kv	26,8 ± 5,27	18,4 ± 2,67
Fmax-α	2,7 ± 0,1	2,66 ± 0,12
FmaxLF	6,0 ± 0,93	4,8 ± 0,59
FmaxHF	16,5 ± 1,46	13,3 ± 0,51
FmaxCF	57,48 ± 3,06	57,6 ± 4,71
Amax- α	2,99 ± 0,5	3,25 ± 0,71

2.11-жадвал давомии

Кўрсаткич	Назорат	I-II даража
AmaxLF	2,87 ± 0,43	3,04 ± 0,63
AmaxHF	2,21 ± 0,56	2,3 ± 0,43
AmaxCF	1,05 ± 0,27	0,94 ± 0,19
Amax-a/ 3σ*100%	39,2 ± 3,52	38,2 ± 2,44
AmaxLF/3σ*100%	38,1 ± 3,46	36,4 ± 1,68
AmaxHF/3σ*100%	26,4 ± 2,01	28,7 ± 1,87
AmaxCF/3σ*100%	12,6 ± 1,23	12,4 ± 1,83
Amax- α /M*100%	30,6 ± 6,9	26,3 ± 6,26
AmaxLF/M*100%	29,7 ± 5,63	23,5 ± 5,5

AmaxHF/M*100%	22,2 ± 5,7	17,5 ± 3,42
AmaxCF/M*100%	10,2 ± 2,44	7,03 ± 1,23



2.6 диаграмма. ФТЗЖ бор беморларда микроциркуляция кўрсаткичлари ўзгаришини динамикада ўзгариши.

III БОБ. ПАСТКИ ЖАҒНИНГ ФТЗЖНИ ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАНЛАШГА КЎРСАТМАЛАР ВА ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ.

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кўп сонли болаларда аниқланган ФТЗЖ тарқалиши болалар ёшига қараб ортиб боради. Бизнинг тадқиқотимиз натижалари буни тасдиқлайди, яъни тишлар алмашинувининг бошланиш даврида бирламчи текширув вақтида болаларнинг 44,19 % ФТЗЖ аниқланган бўлса, бир йил вақт ўтгач, тишлар тўлиқ ёриб чиқгандан сўнг такрорий текширув натижасида, болаларнинг 45,15% ФТЗЖ аниқланган. Демак болалар ёши отириб борган сари касаллик сони ва оғирлик даражаси ортиб бориши (6,62%) кузатилмоқда. Тишларни алмашинув даврида патология 9,56% га бартараф бўлди; дастлабки текширув вақтида ташхис қўйилмаган беморларнинг 9,41% да эса патология юзага келганлигини кўриш мумкин. Биз 6-9 ёшдаги болаларда ФТЗЖ юзага келишининг асосий сабаблари генетик мойиллик, тиш-жағ тизимининг парафункцияларининг таъсири, ҳозирги кунда инсонларнинг овқатланиш рационидан келиб чиққан ҳолда сут тишлари ва доимий тишлар даврида окклюзиянинг шаклланишида чайнаш аппаратларига функционал юклама кам бўлганлиги билан изоҳланади. Шунинг таъкидлаш керакки, бизнинг нуқтаи назаримиз адабиётларда келтирилган маълумотлар билан мос келади. Бинобарин, окклюзияни ўзгариш даврида ФТЗЖ юзага келганда, жағларнинг ўсиши ва тишларнинг алмашинув даврида аномалияларнинг ўзини-ўзидан меъёрга қайтиш имконияти жуда чекланган, шунинг учун ФТЗЖни имкон қадар эртароқ даволаш-бартараф этишни бошлаш тавсия этилади.

Тадқиқотимиз натижалари Л.А. Гагуа (1980), Т.А. Рибаква (1982) ва бошқа тадқиқотчиларнинг сиқилиб қолган тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида кузатилган ўзгаришлар частотаси ҳақидаги фикрини тасдиқлайди. ФТЗЖ I даражасида Шиллер-Писарев синамаси ижобий бўлиб, $31,33 \pm 5,09\%$ га, IV даражада эса $12,05 \pm 3,57\%$, тенг бўлган, яъни аномалия кучайиши билан пародонт тўқималаридаги бузилишлар ўзгарган. Шунинг учун аномалияларни эрта бартараф этишга, пародонт тўқималарида мавжуд аномалияларнинг кучайиши ҳамда турғун патологик ўзгаришларнинг олдини олиш чораси сифатида қаралиши керак.

Г.Ю.Пакалнс (1964) ФТЗЖ билан касалланган беморларда вестибулолингвал йўналишдаги тишлар оралиғи сўрғичлар эгилган шаклга эга эканлигини ва агар тремалар мавжуд бўлса, улар каварик шаклга эга эканлигини таъкидлайди. Тишлар ёриб чиқаётганда улар учун жой етарли бўлмаганда ва улар ўз ўқидан эгилган ҳолда ёриб чиқса, тиш қаторидан силжиш, пародонт тўқимаси структурасининг ўзгариши кузатилади. Шундай

килиб, тишлар ҳолатини нормаллаштиргандан сўнг, кўпгина ҳолларда транссептал ва супраальвеоляр гуруҳ таранг толаларининг дастлабки ҳолатига қайтиши натижасида юзага келадиган рецедив кузатилади (Г. К Спатар, 1970, Ahreus,, 1981 ва бошқалар). Демак, олдинги тишларнинг ёриб чиқиш вақтида уларнинг сиқилган ҳолатини бартараф этиш, пародонтал тўқималарнинг тўлиқ шаклланишига ёрдам беради.

Адабиётлардан олинган маълумотларини ва ўз тадқиқотларимиз натижаларини ҳисобга олган ҳолда, ФТЗЖ даражаси ва кариес фаоллиги шакли ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқлик борлигини инобатга олган ҳолда, окклюзиянинг ўтиш даврида тишларнинг нотўғри ҳолатини бартараф этиш оғиз бўшлиғида маҳаллий кариесоген ҳолат омилларининг олдини олишнинг асосий омили сифатида кўриб чиқдик.

Ушбу бобда 104 нафар ФТЗЖнинг турли оғирлик даражасидаги 6 ёшдан 9 ёшгача бўлган боланинг клиник кузатувлари натижалари жамланган. Муайян даволаш усули учун кўрсатмаларни танлашда биз болаларни текшириш вақтида олинган маълумотларга амал қилдик, лекин юқоридагилардан қатъий назар бирламчи чора-тадбирлар режасига қуйидагилар киради:

1) оғиз бўшлиғини санація қилиш;

2) оғиз ва оғиз атрофи мушакларининг бузилган функцияларини (чайнаш, нафас олиш, ютиш, нутқ ва ҳ.к.) нормаллаштириш, мавжуд зарарли одатларни (пастки лабни сўриш ва тишлаш, тилнинг тишларга босими, олдинги тишларга бармоқлар ва турли хил буюмларнинг босими) бартараф қилишга қаратилган миотерапия;

3) тегишли мутахассислар (оториноларинголог, педиатр, ортопед ва бошқалар) маслаҳатлари;

4) жағларнинг диагностик моделларини ўлчаш, ОРТПГ ни ўқиш, ЛДФ ўтказиш (танлаб);

5) оғиз бўшлиғининг юмшоқ тўқималарини коррекция қилиш ва тишларни олиб ташлашга қаратилган жарроҳлик аралашувлари;

Жағнинг фронтал соҳаси ривожланишини яхшилаш учун янада қулай шароитлар яратишда биз қуйидагилардан фойдаландик:

- юмшоқ тўқималарнинг суяк скелетига бириктирувчи нуқталарини жарроҳлик йўли билан коррекция қилиш ва ундан кейин миотерапия усулини қўллаш;


- алмашишга тайёр сут тишларини олиб ташлаш;
- жағнинг олд қисмини массаж қилиш (тўқималарни иситувчи, қиздирувчи элементлар билан);
- пастки жағнинг керакли йўналишда силжиши.

ФТЗЖ тишларни алмашиниши бошқариш усули билан, яъни аппаратларсиз даволаш усулини қўллаш билан даволаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- реминерализация терапияси ва жағнинг олд қисмини массаж қилиш билан биргаликда сут қозиқ тишлари ва молярларни ажратиш (сепарация);
- сут тишларини кетма-кет олиб ташлаш;
- бутун тиш қатори бўйлаб окклюзион юзаларни силлиқлаш;
- тишлашда босимнинг нотўғри тақсимланишига сабаб бўлувчи, вақтидан олдин контакт содир бўладиган соҳаларидаги доимий тишларнинг кесувчи юзасини силлиқлаш.

Мисол тариқасида 647-сонли касаллик тарихидан кўчирма келтирамиз. Бемор Н., 7,5 ёш.

Ташқи кўрикда: юз тури ўртача, лаблар шиллиқ қавати қуруқ, қизил чегараси аниқ чегараланмаган, нафас тури аралаш. Оғиз бўшлиғида: оғиз бўшлиғининг вестибуласи ўртача чуқурликда, тил узангиси қисқа, юқори ва пастки лабларнинг узангилари нормал чегараларда (3.1-расм).



а



б

в

3.1-расм. Бемор Н юз соҳаси ва тиш қаторларининг даволашдан олдин (а) ва даволашдан кейинги(б) ҳолати

Тиш формуласи:	0 0 6 V IV III 0 1	1 0 III IV V 6 0 0
	0 0 6 V IV III 2 1	1 2 III IV V 6 0 0

Ташхис: биринчи даражали оғирликдаги пастки жағ олдинги тишларининг сиқилган ҳолатда жойлашуви, $\overline{1|1}$ аномал ҳолати (ўз ўқи атрофидаги айланиш, нафас олиш бузилиши).

Шиллер-Писарев синамаси $\overline{21|12}$ соҳада мусбат, пастки жағ тишлари сиқилиб қолган, $1|1$ тишлар учун жой етарли эмас. Тишлов нейтрал (окклюзия).


Жағ диагностик моделларининг ўлчови маълумотлари: тиш ёйининг фронтал етишмовчилиги - 2,3 мм; тиш ёйининг тахминий узунлигининг умумий етишмовчилиги - 1,9 мм, тиш қаторини $\overline{IV|IV}$ соҳада -1,9 ммга ва $\overline{6|6}$ соҳада - 1,7 мм торайиши, апикал асоснинг узунлиги + 5,8 ммга етишмаслиги, апикал асос кенглигининг - 0,6 ммга, тиш равоғи олдинги сегменти узунлигини - 0,5 ммга етишмаслиги.

ОРТПГ: курак тишларининг параллел жойлашиши, ён тишлар куртакларининг эркин жойлашиши, $\overline{3|3}$ ва $\overline{5|5}$ тишларда вертикал ўсиш тури, сут тишлар илдизларининг бир хил резорбсияси, ён тишлар куртакларини кетма-кет ёриб чиқиши (3.2-расм).



3.2-расм. Тушунтириш матнда келтирилган.

ЛДФ: микроциркуляция эффективлиги индекси - 0,77, перфузия даражаси = 17,72, перфузия даражаси ўзгарувчанлик коэффициенти 20,38% (3.3-расм)



3.3-расм. бемор Ннинг ЛДФ граммаси.

Беморга қуйидаги муолажалар ўтказилди: 1) оғиз бўшлиғи санацияси; 2) нафас олиш фаолиятини нормаллаштириш учун миогимнастика; 3) тил узангисини пластик жарроҳлиги; 4) оториноларинголог маслаҳати; 5) $\overline{IV}$ олиб ташлаш; 6) $\overline{III} \mid \overline{III}$ мезиодистал юзасини аппаратсиз усул билан босқичма-босқич ажратиш. Аномалия 3 ой ичида бартараф этилди.


$\overline{2} \mid \overline{2}$ тишлар ёриб чиқиш вақтида, агар тиш равоғида улар учун етарли жой бўлмаса, $\overline{III} \mid \overline{III}$ тишларни ажратиш (сепарация) амалга оширилди (мезиал юзаларни силлиқлаш), бу 2 дан 5 мартагача такрорланди, чунки битта муолажада эмалнинг озгина қатлами силлиқланган. Силлиқланган соҳалар фторлак билан қопланган. Сепарация кўпинча сепарацион дисклар ёрдамида амалга оширилди ва жуда шўх ва беҳаловат болалар билан ишлашда 0,5 x 5 см ўлчамда кесилган, майда дисперс силлиқлаш қоғози билан қўлда силлиқланди. Силлиқлаш, яъни проксимал юзаларни ажратиш 17 нафар I даражали, 34 нафар II даражали, 6 нафар III даражали ОТСХЖ бор болада амалга оширилди. Шу билан бирга, бу беморларга курак тишларини вестибуляр томонга буриш, жағнинг ўсишини яхшилаш ва фронтал соҳанинг текисланишини бартараф қилишга ёрдам бериш учун алвеолар ўсимтани тил томонида бармоқ ёрдамида фаол массаж қилиш тавсия этилди. I ва II даражали ФТЗЖ бўлган 20 нафар болада нафас олиш, ютиш, тил артикулятсияси ва лабни ёпишни нормаллаштириш учун миогимнастик машқлар комплекси қўлланилди. Ортодонтик асбобларни ишлаб чиқариш масаласи алоҳида ҳал қилинди. Кўп ҳолларда юқоридаги чоралар аномалияни бартараф этиш учун етарли бўлди.

Доимий курак тишларнинг апроксимал юзаларини сепарация қилиб, ажратгандан сўнг, уларнинг позицияси керакли йўналишда ўзгартирилди, ажратиш билан бирга тишлардан бирини олиб ташлаш амалиёти ҳам ўтказилди, шундан сўнг окклюзия аномалияси бартараф этилди.

ФТЗЖни аппарат қўллаб даволаш усули қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тиш қаторини кенгайтириш;
- Қозиқ сут тишларини ажратиш билан бирга дистал силжитишни бирга амалга ошириш;
- пастки биринчи моляр сут тишларини олиб ташлангандан сўнг бирламчи қозиқ сут тишларини дистал силжитиш.

Болаларда окклюзион ривожланишнинг ёши ва даврини (ўзгарувчан окклюзиянинг дастлабки даври) инобатга олган ҳолда, биз болалар стоматологи ва ортодонт коррекция қила оладиган оддий конструкциядаги асбоблардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Булар асосан, тишларни силжитиш ва тиш қатори шаклини ўзгартирадиган турли хил қўшимча элементларга эга бўлган олинадиган қурилмалар: секторал (ён), саггитал ва бошқ винтлар ва аррачалари бўлган пластинкалар, сут ва доимий тишларни суриш-силжитиш учун чўзилган ёки қўл шаклидаги пружинали пластиналар (3.4, 3.5-расм).



3.4 ва 3-5расм. Тушунтириш матнда келтирилган

Зарур бўлганда, ортодонтик конструкцияларнинг дизайни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қисқичли (клеммер) маҳкамлаш - Адамс қисқичлари (клеммер) ёрдамида;
- окклюзияни мақсадли дезартикуляцияси учун - окклюзион қопламалар;
- тилни четга суриб туриш учун - тил учун панжара (тўр);
- тишларни имплантация қилиш учун - тишлаш прокладкалари;
- апикал асоснинг ўсиши учун - пастки лабни чекка суриш учун мослама.

Тишларнг дистал суриш учун биз ён тишларни дистализация қилиш учун пружинадан фойдаланишни таклиф қилдик (№ 85 от 03.IV.2004й)

Бемор А., 8 ёш. 622-сонли Касаллик тарихидан кўчирма.

Бемор ташқи кўриниши текшируви: бошнинг эгилиши ўзгарган, юзи ўртача типда, лаблар шиллиқ қавати қуруқ, қизил чегараси аниқ чегараланмаган, лаблар таранг ёпилган, пастки лабни тишлаш зарарли одати бор. Оғиз бўшлиғи: даҳлиз қисми ўртача чуқурликда, юқори, пастки лаблар ва тил узангилари меъёрида. (3.6-расм).



а



б



в

3.6-расм. А исмли беморнинг даволашдан олдин (б) ва даволашдан кейин (в) тиш қатори ва юз (а) фотоси

Тиш формуласи:

pt													
0	0	6	V	IV	III	2	1						
								1	2	III	IV	V	6 0 0
0	0	6	V	IV	III	2	1						
								1	2	III	IV	V	6 0 0

Ташхис: пастки жағ олд тишларининг иккинчи даражали сиқилган ҳолатда жойлашуви, 2 тишнинг аномал жойлашуви, нафас олиш ва лаб ёпилишининг бузилиши.

Шиллер-Писарев синамаси $\overline{21|12}$ соҳада ижобий, 2 тиш учун жой этмаслиги билан, олд тишларнинг сиқилган ҳолатда жойлашуви.


